



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 4 » sentabr

№ 444

Toshkent sh.

### “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилган, аҳолининг тиббий маданиятини оширишга муносаб ҳисса қўшган, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда шахсий намуна кўрсатган тиббиёт ходимлари ва жамоатчилик вакилларини рафбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар:

“Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони тўғрисидаги **низом 1-иловага мувофиқ;**

“Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони ва гувоҳномасининг тавсифлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмасига асосан “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тайёрланишини белгиланган тартибда таъминласин.

4. “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Ш. Иноятов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 4 сентябрдаги 444-сон қарорига  
1-илова

## “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан қўйидагилар тақдирланади:

мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини умуммиллий ҳаракатга айлантиришга муносиб ҳисса қўшган барча даражадаги идора ва ташкилотлар ҳамда жамоатчилик вакиллари;

жисмоний фаолликни кундалик одатга айлантириб, уни ўз жамоаси ва аҳоли орасида тарғиб қилишда алоҳида намуна бўлаётган шахслар ва спорт мураббийлари;

заарли одатларнинг олдини олиш, бартараф этиш, уларга қарши курашишда ижобий натижаларга эришган ва жамоатчилик назоратини самарали ташкил этишда фаоллик кўрсатган фуқаролар;

аҳолининг соғлом овқатланишини йўлга қўйиш учун етарли шартшароитлар яратган шахслар;

худуднинг санитария-эпидемиологик осойишталиги, атрофмуҳит тоза ва озодалигини таъминлаш, аҳолида санитария-гигиеник кўникмаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш орқали касалликларнинг олдини олишга эришган мутахассислар;

сурункали касалликлар профилактикасида хавф омилларини бартараф этиш ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиришга ундейдиган долзарб материаллар тайёрлаган оммавий ахборот воситалари вакиллари;

профилактик тиббиётни ривожлантиришга ва бу йўналишда малакали кадрларни тайёрлашга муносиб ҳисса қўшган тиббиёт соҳаси ходимлари ва бошқа мутахассислар.

Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

### 2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун хужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Туман (шахар) тиббиёт бирлашмалари **ҳар йили 10 сентябрға қадар** худудлардаги тиббиёт ходимлари ва жамоатчилик вакилларини күкрап нишони билан тақдирлаш бўйича дастлабки таклифларни шакллантиради ҳамда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига (кейинги ўринларда – худудий соғлиқни сақлаш идоралари) тақдим этади.

5. Худудий соғлиқни сақлаш идоралари **ҳар йили 1 октябрға қадар** кўкрап нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни Соғлиқни сақлаш вазирлигига (кейинги ўринларда – вазирлик) тақдим этади.

6. Республика даражасидаги давлат органлари, ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари **ҳар йили 1 октябрға қадар** ўз ходимларини кўкрап нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни вазирликка тақдим этади.

7. Кўкрап нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларга номзодлар ҳақида қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

номзод ҳақида маълумотнома;

номзоднинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (фуқаролик паспорти ёки ID-карта);

номзоднинг сўнгги уч йил давомида ўз худудида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги амалий ишлари акс эттирилган тавсифнома.

8. Кўкрап нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири (кейинги ўринларда – вазир) томонидан соҳада кўп йиллик тажрибага эга бўлган беш кишидан иборат таркибда комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) ташкил этилади.

9. Комиссия таркиби вазир томонидан тасдиқланади.

Комиссия таркибига вазирликнинг Жамоатчилик кенгаши ва соҳадаги бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларидан иборат эксперталар киритилиши мумкин.

10. Комиссия йиғилишида номзодларга оид хужжатлар белгиланган тартибда ўрганилади, мазкур Низомга 2-иловада белгиланган мезонларга мувофиқ баҳоланади ва ўз таклифларини билдирилган ҳолда **ҳар йили 20 октябрға қадар** энг муносиб номзодлар бўйича якуний хулоса қабул қилинади.

### **3-боб. Кўкрап нишони билан тақдирлаш тартиби**

11. Комиссия хулосаси асосида вазирнинг кўкрап нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи **ҳар йили 1 ноябрға қадар** чиқарилади.

12. Кўқрак нишони ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси – Тиббиёт ходимлари қуни арафасида вазир (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали тарзда топширилади.

13. Кўқрак нишони билан тақдирлаш, истисно тариқасида, вазирнинг буйруғига асосан алоҳида ҳолатларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

14. Кўқрак нишони билан тақдирланганларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилади.

15. Кўқрак нишони билан тақдирланганлар рўйхати вазирликнинг расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

16 Бир шахс кўқрак нишони билан бир марта мукофотланади.

17. Кўқрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўқракнинг чап томонига тақилади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

18. Вазирлик мазкур Низомга мувофиқ кўқрак нишонига тавсия этилган номзодлар ҳужжатларининг холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

“Халқ саломатлиги посбони”  
кўқрак нишони тўғрисидаги низомга  
1-илова

**“Халқ саломатлиги посбони” кўқрак нишони билан тақдирлаш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддатлар
1-bosқич	Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари	<p>Худудлардаги тиббиёт ходимлари ва жамоатчилик вакилларини кўқрак нишони билан тақдирлаш бўйича дастлабки таклифларни шакллантиради.</p> <p>Таклифларни тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига тақдим этади.</p>	Ҳар йили 10 сентябрга қадар
2-bosқич	Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси	<p>Кўқрак нишони билан тақдирлаш бўйича туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг таклифларини ўрганиб чиқиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади.</p> <p>Республика даражасидаги идоралар ўз ходимларини кўқрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни Соғлиқни сақлаш вазирлигига киритади.</p>	Ҳар йили 1 октябрга қадар
3-bosқич	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	<p>Кўқрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан комиссия ташкил этилади.</p> <p>Комиссия йигилишида номзодларга оид хужжатлар белгиланган тартибда ўрганилади, ўз таклифларини билдирган ҳолда энг муносаб номзодлар бўйича якуний хулоса қабул қилинади.</p>	Ҳар йили 20 октябрга қадар
4-bosқич	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг кўқрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи чиқарилади.	Ҳар йили 1 ноябрга қадар
5-bosқич	Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар)	Кўқрак нишони тантанали тарзда топширилади.	Ҳар йили ноябрь ойининг 2-якшанбаси – Тиббиёт ходимлари куни арафасида

“Халқ саломатлиги посбони”  
кўкрак нишони тўғрисидаги низомга  
2-илова

**“Халқ саломатлиги посбони”  
кўкрак нишонига номзодларни баҳолаш  
МЕЗОНЛАРИ**

T/p	Кўрсаткичларнинг номланиши	Балл тизими
1.	Халқ саломатлигини асрар, жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ибратли фаолияти ва тизимдаги меҳнат стажи.	1 баллдан 5 баллгача
2.	Аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилган ўкув кўулланмалари яратгани, давра сұхбатлари ва халқ билан учрашувларда тарғибот-ташвиқот ишларини кенг олиб бораётгани.	1 баллдан 5 баллгача
3.	Халқ саломатлиги борасида ўтказилган танловларда фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритгани, шогирдлари нуфузли танлов ва мусобақаларда юқори натижаларга эришаётгани.	1 баллдан 5 баллгача
4.	Ўз худудида санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлашга, аҳолининг шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш орқали юқумли касалликлар профилактикасига эришаётгандиги.	1 баллдан 5 баллгача
5.	Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида “Саломатлик мактаби”ни яратгани ва фаолиятини самарали ташкил этаётгани	1 баллдан 5 баллгача
6.	Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол ривожлантиришга, жумладан, тўғри овқатланишга ва зарарли одатлардан холи бўлиш кўникмаларини шакллантиришга хисса қўшаётгани.	1 баллдан 5 баллгача
7.	Ўз худуди ва маҳалласида сурункали касалликлар профилактикаси, юрак-қон томир, ҳазм аъзолари тизими сурункали касалликларининг камайишига эришаётгандиги.	1 баллдан 5 баллгача
8.	Жамоаси ва маҳаллада “Саломатлик бурчаги” ташкил этилганлиги ва улардаги маълумотлардан аҳолининг фойдаланиш самарадорлиги.	1 баллдан 5 баллгача
9.	Оилада соғлом турмуш тарзи яхши йўлга кўйилгани, оила аъзоларининг спорт билан мунтазам шуғулланиши ва шахсий намуна кўрсатгани, зарур шароитлар ва жиҳозлар билан таъминлангани.	1 баллдан 5 баллгача
10.	Маҳаллада жисмоний фаоллик билан шуғулланувчи “Эъзозли аёллар” ва “Фахрий нуронийлар” клублари фаолиятини йўлга кўйганлиги.	1 баллдан 5 баллгача
11.	Маҳалласида жисмоний фаолликни тизимли тарғиб этаётгани ва натижада тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилган ҳолда ортиқча вазндан холос бўлган фуқаролар улушининг кўпайганлиги.	1 баллдан 5 баллгача
12.	Амалга ошираётган ибратли ишларининг оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилиши даражаси.	1 баллдан 5 баллгача

**Изоҳ.** Номзодларнинг эришигани натижалари бўйича қўйилган баллар жамланиб, энг юқори кўрсаткични қайд этганлар кўкрак нишонига номзод сифатида тавсия этилади.

Мазкур баҳолаши мезонларининг кўрсаткичлари давр талабидан келиб чиқсан ҳолда комиссиянинг тавсиялари асосида соглиқни сақлаш вазирининг буйруги билан ўзгартирилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 4 сентябрдаги 444-сон қарорига  
2-илова

## “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

“Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг олд томонида халқ саломатлиги ҳимояси маъносини ифодаловчи рамзий дарвоза шаклидаги яшил эмалли арка тасвири жойлашган бўлиб, унинг куйи қисмида кўтарилаётган қуёш нурлари фонида очик кафтлар ушлаб турган қизил рангдаги юрак шакли ҳамда кўк рангда ишланган соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи оила тасвири акс эттирилган.

Кўкрак нишонининг юқори айланаси бўйлаб оқ эмаль фонида баландлиги 3 миллиметр бўлган “XALQ SALOMATLIGI POSBONI” ёзуви зарҳал ҳарфлар билан ёзилган.

Кўкрак нишонининг орқа томонида, айлана марказида, тўрт қаторда ҳарфларнинг баландлиги 1,8 миллиметр бўлган “XALQ SALOMATLIGIGA QO‘SHGAN HISSASI UCHUN” сўзлари жойлашган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги – 2,5 миллиметр. Тасвиirlар ва ёзувлар қабариқ.

Кўкрак нишони олд ва орқа томонларининг четлари қавариқ доира билан ўралган.

Кўкрак нишони ҳалқа ва илмоқчалар ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган. Қадағичнинг эни – 26 миллиметр, бўйи – 17 миллиметрдан иборат.

Қадағич эни 22 миллиметрли шойи лента билан қопланган бўлиб, икки чеккадаги кўк рангли йўллар эни 4 миллиметрни, ўртадаги кўк рангли йўлнинг эни 3 миллиметрни ташкил этади. Унинг орасида эни 3,5 миллиметрли иккита қизил рангдаги йўллар ўтган. Кўк ва қизил рангдаги йўлларни эни 1 миллиметр бўлган 4 та оқ рангдаги йўллар ажратиб туради.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

**“Халқ саломатлиги посбони”  
кўкрак нишони**

Олд томони



Орка томони



Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 4 сентябрдаги 444-сон қарорига  
3-илова

**“Халқ саломатлиги посбони”  
кўкрак нишони гувоҳномасининг  
ТАВСИФИ**

“Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони гувоҳномаси (кейинги ўринларда – гувоҳнома) 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қофоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) кўк рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 36 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 3,5 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “XALQ”, иккинчи сатрда “SALOMATLIGI POSBONI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль), учинчи сатрда “ko‘krak nishoni” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 14 миллиметр пастда “GUVOHNOMASI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 17 кегль) сўзи ёзилган.

Ёзувлар оқ рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) “Тангир” тасвири туширилган оч яшил рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмida (иккинчи бети), марказда, кўкрак нишонининг аслига teng ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда, “GUVOHNOMA №” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзи ва 15 миллиметрли чизик жойлашган.

Ундан 10 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.

Пастки чизиқдан 6 миллиметр қўйида, марказда, оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “O‘zbekiston Respublikasi”, иккинчи сатрда “sog‘liqni saqlash vazirining” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 7 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “20\_\_ у. \_\_” \_\_\_\_\_ dagi”, иккинчи сатрда “\_\_-sonli buyrug‘iga asosan” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 5 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “XALQ SALOMATLIGI”, иккинчи сатрда “POSBONI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль), учинчи сатрда “ko‘krak nishoni bilan mukofotlandi” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнгги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда, “VAZIR” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзи ёзилган.

**“Халқ саломатлиги посбони”  
кўқрак нишони гувоҳномаси**

**“XALQ  
SALOMATLIGI POSBONI”  
ko‘krak nishoni**

**GUVOHNOMASI**

“ДАВЛАТ БЕЛГИСИ” ДУК

**GUVOHNOMA №** \_\_\_\_\_

(familiyasi)

(ismi)

(otasining ismi)

O‘zbekiston Respublikasi  
sog‘liqni saqlash vazirining

20\_\_ y. “\_\_” \_\_\_\_\_ dagi  
\_\_\_\_\_ -sonli buyrug‘iga asosan

**“XALQ SALOMATLIGI  
POSBONI”**

ko‘krak nishoni bilan mukofotlandi

**VAZIR**

